

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.72.02
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВА ФАРОҒАТ ШЕРАЛИЕВНА

**МАҲАЛЛИЙ АНОР (*Punica granatum* L.) НАВЛАРИНИНГ
ФИЗИОЛОГИК–БИОКИМЁВИЙ, ФАРМАКОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МИКРОКЛОНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**03.00.07-Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси
03.00.08-Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on biological
sciences**

Эргашева Фароғат Шералиевна

Маҳаллий анор (*Punica granatum* L.) навларининг физиологик-биокимёвий, фармакологик
хусусиятлари ва микроклонлаш истиқболлари.....3

Эргашева Фароғат Шералиевна

Физиолого-биохимические, фармакологические свойства местных сортов граната (*Punica
granatum* L.) и перспективы их микроклонирования21

Ergasheva Farogat Sheralievna

Physiological-biochemical, pharmacological properties of local varieties of pomegranate (*Punica
granatum* L.) and their perspectives of microclonating.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....44

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.72.02
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВА ФАРОҒАТ ШЕРАЛИЕВНА

**МАҲАЛЛИЙ АНОР (*Punica granatum* L.) НАВЛАРИНИНГ
ФИЗИОЛОГИК-БИОКИМЁВИЙ, ФАРМАКОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МИКРОКЛОНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**03.00.07-Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси
03.00.08-Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2020

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/V368 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Гулистон давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buzdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:	Қўшиев Ҳабибжон Ҳожибобоевич биология фанлари доктори, профессор
	Хушмагов Шунқор Саъдуллаевич биология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Матчанов Азат Таубалдиевич биология фанлари доктори, профессор
	Курбанбаев Илхам Джуманазарович биология фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат аграр университети

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.V.72.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «12» июнь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865) 212-29-12; факс: (+99865) 212-29-12; e-mail: bsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865) 212-29-12; факс: (+99865) 212-29-12.

Диссертация автореферати 2020 йил «29» май кун тарқатилди. (2020 йил «29» май даги № 3 рақамли реестр баённомаси).



Холлиев Аскар Эрганович
Илмий даража берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, биология фанлари доктори, доцент

Рашидов Негмурод Элмуродович
Илмий даража берувчи бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби, биология фанлари номзоди, доцент

Бақоев Савриддин Бақоевич
Илмий даража берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда сони ўсиб бораётган аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш долзарб масала сифатида эътироф этилади. Бу ўринда қишлоқ хўжалиги ўсимлик маҳсулотларини етиштиришда экин майдонларидан самарали фойдаланиш муҳим стратегик аҳамиятга эга. Экин майдонлари тупроқларининг шўрланиши ва деграляцияси туфайли шароитга мос иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ўсимликларни танлаш, етиштириш фан ва ишлаб чиқариш олдига долзарб масалалардан биридир. Шу сабабли, анор навларини *in vitro* шароитида микроклонал кўпайтириш, патогенсиз кўчатларини олиш ҳамда уларнинг меваси, пўстлоғидан олинган экстрактлардан фармакологияда дори воситаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёнинг кўпгина йирик тадқиқот марказларида бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳосилдорлигини ошириш билан боғлиқ ҳолда анор етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Озиқ-овқат саноатида кўп миқдорда иккиламчи чиқинди сифатида ҳосил бўлган анор пўстидан экстракт шаклида келгусида антиоксидант, спазмолитик фармакологик препаратлар ишлаб чиқариш учун назарий ва амалий фойдаланиш тавсия этилмоқда. Анорнинг экологик иқлим шароитларига мос навларини танлаш, мевасидан озиқ-овқат саноатида, пўстлоғидаги физиологик фаол моддалар, макро- ва микроэлементларидан фармакологияда кенг фойдаланилмоқда. Шунга кўра, маҳаллий анор навларини *in vitro* шароитида микроклонал кўпайтириш натижасида уларнинг меваси, пўстидан олинадиган ҳамда иқтисодий томондан самарали бўлган дори воситаларини яратиш долзарблиги жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Республикада бугунги кунда ўсимликлардан экологик тоза маҳсулотларни олишда илмий инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишда алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш» бўйича алоҳида вазифалар белгиланган бўлиб, унинг 4-йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш»¹ юзасидан ҳам муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада маҳаллий анор навларини кўпайтириш ва улардан ажратиб олинган биологик фаол моддаларнинг фармакологик таъсир механизмларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239-рақамли «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича 3.3-бандида белгиланган вазифалар ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё миқёсида анорнинг (*Punica granatum* L.) биотехнологик услублар ёрдамида турли иқлим-шароит ва зоналарида навларини яратиш, жумладан, *in vitro* шароитида патогенсиз кўчатларини олиш йўналишида Murkute ва бошқ. (2004), Singh ва Khawale (2006), Chaugule ва бошқ. (2007), Samir ва бошқ. (2009), Singh ва бошқ. (2001) илмий-тадқиқот олиб боришган.

МДХ мамлакатларида анор *Punica granatum* L. (*Punicaceae*) навларини интродукциялаш ва илдиз тизимини тупроқ шароитларига боғлиқ ўзгарувчанлиги йўналишида маълумотлар Шарипов (2015), Мустафаева (1992), Раджабова ва Горбунова (1997), Гутиев (1998), Мамедов (2007), Ўрта Осиё шароитида анорнинг вегетация даври, ривожланиш фазаларида айрим физиологик кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси тўғрисидаги маълумотлар эса Бобоевнинг (2014), озиқ-овқат ва хўжалик аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар Омаров (2000), Кобляков (1998), Абдулкадиров (2008), Загиров (2008) ишларида келиб чиқиши ва био-экологик хусусиятлари Мамедов (2007), Загиров, Аммайгаджиев, Казбеков (2004) тадқиқотларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотлар асосида айрим маҳаллий анор навлари мевасининг экстракти таркибида полифеноллар (танинлар, галл кислота, пуникалин, пуникалагин, кверцетин) миқдори ўрганилган (Mavlyanov et al., 1997), Эшматов (2018) эса анор шарбати таркибини ўрганиш асосида унинг истеъмолбоплик хусусиятини оширишни таклиф қилган. Бироқ, республикада миқёсида маҳаллий иқлим, тупроқ шароитларига чидамли анор навларини яратиш йўналишида деярли илмий-тадқиқотлар амалга оширилмаган ва бу ҳолат ушбу йўналишда назарий-амалий тадқиқотларни амалга оширишнинг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси бўйича С-А-2018-004 «Анор (*Punica granatum* L.)нинг биотехнологик коллекциясини яратиш ва патогенсиз кўчатларини олиш

технологиясини йўлга қўйиш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади айрим маҳаллий анор (*Punica granatum* L.) навларининг физиологик-биокимёвий, фармакологик хусусиятлари ва микроклонлаш истиқболларини тавсифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччиқ дона» анор (*Punica granatum* L.) навларини биотехнологик (*in vitro*) кўпайтиришда оптимал шароитини ишлаб чиқиш ҳамда озуқа муҳитидаги фитогормонларнинг максимал стимуляцион концентрациясининг оптимал нисбатларини аниқлаш;

анор навларини *in vitro* шароитида микроклонлаш ва ризогенез/органогенез жараёнлари интенсивлигида озуқа муҳити таркибининг оптимал комбинациясини аниқлаш;

in vitro шароитида ўсган анор кўчатларини тупроққа кўчириб ўтказишда транспирация жараёни ва фотосинтетик пигментлар микдорининг ўзгаришида адаптация динамикасини таҳлил қилиш;

анорнинг Сирдарё вилоятида етиштириладиган маҳаллий навларининг ўсиш-ривожланиш босқичлари, меваси, пўстининг физиологик-биокимёвий хусусиятлари ҳамда таркибини таҳлил қилиш;

танлаб олинган маҳаллий анор навлари меваси ва пўстидан ажратиб олинган экстрактни *in vitro* шароитида фармакологик фаоллигини таҳлил қилиш;

маҳаллий анор навларининг ҳозирги ҳолати, микроклонлаш услуби ёрдамида кўпайтириш ва анор хомаёшсидан фармакологияда фойдаланиш истиқболларини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сирдарё вилояти ҳудудида экиладиган «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччиқ дона» маҳаллий навлари, етук оқ каламушлар, денгиз чўчқаси, митохондрия, ингичка ичак силлиқ мускул препарати, анор меваси ва пўсти экстрактлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети айрим маҳаллий анор (*Punica granatum* L.) навларининг физиологик-биокимёвий, фармакологик хусусиятлари ва микроклонлаш истиқболлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда микроклонлаш, стериллаш, транспирация, хромотография, спектрофотометрия, экстракция усуллари ҳамда механография, дифференциал центрифугалаш, фотометрия ва биокимёвий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

илк бор Сирдарё вилоятида экиладиган маҳаллий «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччиқ дона» анор навларини биотехнологик (*in vitro*) кўпайтиришда оптимал шароити ишлаб чиқилган ҳамда озуқа муҳити таркибида фитогормонларнинг максимал стимуляцион концентрацияси ва оптимал нисбатлари аниқланган;

танлаб олинган маҳаллий анор навларини микроклонлашда озуқа муҳити таркибининг оптимал шароитлари аниқланган;

in vitro шароитида микроклонлаш услуги ёрдамида олинган ва тупроққа кўчириб ўтказилган анор кўчатларида транспирация жараёни ҳамда фотосинтетик пигментлар миқдори ўзгаришига кўра адаптация динамикаси аниқланган;

маҳаллий анор «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччиқ дона» навлари меваси ва пўстининг биокимёвий таркиби аниқланган;

танлаб олинган маҳаллий анор навлари меваси, пўстидан ажратиб олинган экстракти *in vitro* шароитида антиоксидант ва спазмолитик фаоллиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий анор навларини *in vitro* шароитида микроклонлаш усулида олинган кўчатларини тупроққа кўчириб ўтказишда транспирация жараёни ва фотосинтетик пигментлар миқдори ўзгариши аниқланган;

анор навларини микроклонлаш, меваси ва пўсти экстрактидан фармакологияда фойдаланиш истиқболлари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг замонавий стандарт биокимёвий, физиологик тажриба усулларини қўллаш орқали олинган натижалар назарий маълумотларга мос келиши билан тасдиқланади. Олинган натижаларнинг исботи уларнинг республика ва ҳалқаро анжуманлардаги муҳокамаси, натижаларнинг рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади. Натижаларни қайта ишлашда ишонччилик интервал қийматлари (Стьюдент критерияси) ҳисобга олинган ҳамда маълумотлар OriginPro 7.5 компьютер дастури асосида статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти анор меваси ва пўстининг биокимёвий таркиби, анор экстрактининг *in vitro* шароитида фармакологик (антиоксидант, спазмолитик) фаоллиги ва микроклонлашда озуқа муҳити таркибининг оптимал комбинацияларини танлаш орқали назарий билимларни кенгайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикамиздаги Мирзачўл воҳаси, Сирдарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароитларига мос чидамли маҳаллий анор навларини микроклонлаш услугида кўпайтириш, транспирация, фотосинтетик пигментлар динамикасини таҳлил қилиш ва анордан фармакологияда фойдаланиш истиқболлари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Айрим маҳаллий анор (*Punica granatum* L.) навларининг физиологик-биокимёвий, фармакологик хусусиятлари ва микроклонлаш истиқболларини тавсифлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

in vitro шароитида етиштирилган анор навларининг патогенсиз кўчатларидан плантациялар ташкил қилиш ҳамда анор шарбати таркибини таҳлил қилиш бўйича аниқланган витаминлар, макро- ва микроэлементлар миқдори ишлаб чиқарилаётган табиий анор шарбати кадоқланаётган идишларда қайд этиш асосида «Деҳқонобод Асл Анори» ишлаб чиқариш кооперативида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 12 декабрдаги 6-3-1/20-3275-сон маълумотномаси). Натижада ички ва ташқи бозорда кооператив томонидан ишлаб чиқарилаётган табиий анор шарбати маҳсулотига бўлган талабини орттириш имконини берган;

анор барглари эксплантасининг *in vitro* шароитида културада каллус ҳосил қилиши, ризогенез-органогенез жараёнлари интенсивлиги, озуқа муҳитининг таркиби, биологик стимуляторларнинг типи ва комбинацияларига боғлиқлиги ИК-2011-1/1 рақамли «Глицерам таблеткаларини олиниш технологияси, тажриба партиясини ишлаб чиқаришни ташкил этиш» илмий лойиҳасида ширинмия ўсимлиги илдизини куюқ экстрактидан техник глициррин кислотаси 80% ли глициррин кислотаси моноаммонийли тузини етарли миқдорда олиш ва глицерам субстанцияси тозаланиши юқори самарали суюқлик хроматографияси усули билан назорат қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 24 декабрдаги 4/1255-3329-сон маълумотномаси). Натижада «Глицерам» субстанцияси вақтинчалик фармакопия мақоласи яратиш учун асосий технологик параметрларини аниқлаш имконини берган;

маҳаллий анор навларини *in vitro* шароитида биотехнологик услуб ёрдамида кўпайтиришнинг оптимал технологиясини ишлаб чиқиш асосида ИК-2011-1/1 рақамли «Глицерам таблеткаларининг олиниш технологияси ва тажриба партиясини ишлаб чиқаришни ташкил этиш» илмий лойиҳасида «Глицерам» субстанциясининг чинлиги, эрувчанлиги ва сақланиш муддатини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 24 декабрдаги 4/1255-3329-сон маълумотномаси). Натижада «Глицерам» таблеткалари таркибини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий мақола чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, якуний қисм, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги, зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Анорнинг (*Punica granatum* L.) морфо-физиологик ва фармакологик хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида анорнинг ботаник тавсифи, қисқача маданийлаштириш тарихи, меваси, пўсти ва уруғининг биокимёвий таркиби тўғрисида маълумотлар таҳлил қилинган. Шунингдек, анорнинг умумий фармакологик тавсифи, меваси ва пўсти экстрактининг спазмолитик фаоллиги ҳамда жигар митохондрия мембранасига таъсири ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Анорни (*Punica granatum* L) *in vitro* шароитида микроклонлаш ва морфо-физиологик, фармакологик хусусиятларини ўрганиш услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот шароити, объекти, анорни *in vitro* шароитида микроклонлаш асосида кўпайтириш услуби, *in vitro* да ўстирилган анор кўчатларини тупроққа кўчириб ўтказишда адаптация жараёни динамикасини ўрганиш услублари, жумладан, транспирация жараёни динамикасини, фотосинтетик пигментлар миқдорининг ўзгариш динамикасини ўрганиш услублари, шунингдек, анор меваси, пўстининг биокимёвий таркибини таҳлил қилиш услуби, анор меваси ва пўсти экстрактининг *in vitro* шароитида тажриба ҳайвонларида митохондрия функционал кўрсаткичларига таъсири асосида антиоксидант ҳамда ичак силлиқ мускулига спазмолитик таъсирини ўрганиш, олинган натижаларни математик-статистик қайта ишлаш услублари келтирилган.

Диссертациянинг «**Анорни (*Punica granatum* L) *in vitro* шароитида микроклонлаш асосида кўпайтириш**» деб номланган учинчи бобида *Punica granatum* L ни *in vitro* усулда микроклонлаш, бошланғич ўсимлик эксплантасини стериллаш ва кўпайтириш шароитларини оптималлаштириш натижалари келтирилган.

Анорни *in vitro* шароитида микроклонлаш услубида кўпайтириш жараёни босқичларининг (калус тўқима ҳосил бўлиши ва пролиферацияси; ўсимталар ҳосил бўлиши, илдиз ҳосил бўлиши) интенсивлиги экспланта типи, эксплантани стериллаш услуби, озуқа муҳити таркибида фойдаланиладиган фитогормонлар комбинациялари каби омилларга боғлиқ ҳисобланади. Тажрибаларда барг қўлтиғи куртаклари ва барг бўлакчаларидан бошланғич экспланта сифатида фойдаланилган вариантда Мурасиге-Скуга (МС) озуқа муҳити таркибида ВАР (5 мг/л)+NAA (0,4 мг/л) комбинация калус тўқима ҳосил бўлиши учун оптимал кўрсаткичлар аниқланди. Шунингдек, новда учида жойлашган куртаклар ва барг бўлакчаларидан фойдаланилганда МС озуқа муҳити таркибида ВАР (3-4 мг/л)+NAA (0,4 мг/л)

комбинацияда каллус тўқима ҳосил бўлиш интенсивлиги юқори бўлиши аниқланди. Тажрибаларда каллус тўқима пролиферацияси МС озуқа муҳити таркибида ВАР (1 мг/л)+NAA (1 мг/л) комбинацияда оптимал даражада амалга ошириши аниқланди. Тадқиқотларимизда эса ВАР (2 мг/л)+NAA (0,1 мг/л)+GA₃ (0,5 мг/л) комбинация вариантыда юқори натижа кузатилди (1-расм).



1-расм. Анор (*Punica granatum* L) ни *in vitro* шароитида микроклонлаш услубида кўпайтириш жараёнининг босқичлари. А). МС озуқа муҳитига анор новдачаларининг экилган ҳолати; Б) *In vitro* муҳитида илдизнинг ҳосил бўлиши; В). МС озуқа муҳитида новданинг ўсиши; Г). Новданинг умумий кўриниши.

Регенерация интенсивлиги ўсимликнинг генотиби (анор навлари) билан биргаликда, озуқа муҳитининг типи, таркибида фойдаланилган стимуляторлар ва комбинацияларига боғлиқлиги аниқланди. Кворин-Лепорье озуқа муҳити таркибида 6-БАП (1-2 мг/л)+ГК (0,5-1 мг/л)+НСК (0,2 мг/л) комбинацияси эксплантда регенерация жараёни етарли даражада оптимал амалга ошириши аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Кворин-Лепорье озуқа муҳити таркибида 6-БАП (1-2 мг/л)+ГК (0,5-1 мг/л)+НСК (0,2 мг/л) комбинациясидан фойдаланилган шароитда ўсиш-ривожланиш интенсивлиги кўрсаткичлари ($M \pm m$)

Т/р (№)	Анор навлари	Бошланғич эксплантанинг типи					
		Барг		Новда		Илдиз	
		Ҳосил бўлган ўсимталар сони (дона)	Ҳосил бўлган илдиз сони (дона)	Ҳосил бўлган ўсимталар сони (дона)	Ҳосил бўлган илдиз сони (дона)	Ҳосил бўлган ўсимталар сони (дона)	Ҳосил бўлган илдиз сони (дона)
1	«Қора қайим»	23,8±2,4	14,5±1,6	15,5±1,5	10,5±1,2	13,8±0,4	11,8±1,3
2	«Қизил анор»	32,3±1,2	10,6±1,7	17,3±1,3	10,6±0,7	24,5±0,8	12,7±0,5
3	«Оқ дона (Туятиш)»	18,6±1,6	9,5±0,9	11,2±1,4	7,4±0,6	15,6±1,4	8,6±0,7
4	«Аччиқ дона»	37,4±2,3	14,3±2,2	17,4±1,3	12,1±1,7	25,4±0,6	10,3±2,2

Изоҳ: барча ҳолатда $p < 0,05$ ($n=4-5$).

Тажрибаларда ИМК (0,1-50 мг/л) анор навлари экспланталарининг ризогенез ва органогенез жараёнлари интенсивлигига сезиларли даражада

стимуляцион таъсир кўрсатмаслиги аниқланди. Анор барглари эксплантасининг *in vitro* шароитида культурада каллус ҳосил қилиши, ризогенез ва органогенез жараёнлари интенсивлиги озуқа муҳити таркибининг, биологик стимуляторлар типи ҳамда комбинацияларига боғлиқлиги аниқланди.

Диссертациянинг «*In vitro* шароитида ўстирилган анор кўчатларининг ўсиш ва ривожланиш босқичларидаги физиологик жараёнлар» деб номланган тўртинчи бобида *in vitro* шароитида ўстирилган анор кўчатларини тупроққа кўчириб ўтказишда транспирация жараёни ва фотосинтетик пигментлар миқдорининг ўзгариш динамикаси бўйича олинган натижалар келтирилган.

In vitro шароитида ўстирилган анор кўчатларини тупроққа кўчириб ўтказишда транспирация жараёни динамикаси. «Қора қайим» ва «Қизил анор» навларининг барг таркибидаги қуруқ модда миқдорининг улуши назоратга нисбатан мос равишда 29,2% ва 26,7% ишончли камайиши аниқланди. «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччиқ дона» анор навларининг *in vitro* шароитида ўстирилган кўчат баргларидаги қуруқ модда миқдорининг улуши назоратга нисбатан мос равишда 8,96 ва 18,5% га ишончсиз камайганлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Танлаб олинган анор навлари барглари таркибидаги қуруқ модда миқдорининг солиштирма таҳлили


Т/р (№)	Анор навлари	Барг таркибидаги қуруқ модда миқдорининг улуши (%)	
		Назорат	<i>In vitro</i> шароитида ўстирилган
1	«Қора қайим»	33,6±3,5	23,8±3,6**
2	«Қизил анор»	22,5±2,4	16,5±2,2**
3	«Оқ дона (Туятиш)»	26,8±3,3	24,4±2,8*
4	«Аччиқ дона»	25,4±2,7	20,7±2,5**

Изоҳ: * – назоратга нисбатан $p < 0,05$, ** – $p < 0,01$ ($n=3-4$).

Олинган натижалардан кўриш мумкинки, *in vitro* шароитида ўстирилган кўчат баргларида умумий қуруқ модда миқдори назоратга нисбатан стастик ишонарли даражада паст бўлади. Бу ҳолат *in vitro* шароитида ўстирилган анор кўчатлари баргларида қуруқ модданинг назоратга нисбатан паст бўлиши табиий тупроққа экилган дастлабки даврда илдиз орқали озуқа моддаларнинг ўзлаштирилиш интенсивлиги мослашиш механизми билан боғлиқ бўлади.

Тадқиқотларнинг навбатдаги босқичида танлаб олинган маҳаллий анор навларида *in vitro* шароитида ўстирилган кўчатлар баргида назоратга нисбатан сув миқдорининг вақт интервали диапозонида ўзгариш динамикаси таҳлил қилинди. Назорат гуруҳида танланган анор навлари баргида 1-60 сутка давомида сув миқдорида сезиларли даражада ўзгариш қайд қилинмади (2А-расм.). *In vitro* шароитида ўстирилган кўчатлар баргларида сув миқдори дастлабки суткаларда кескин камайиши ва «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччиқ дона» навларида бу кўрсаткич

қиймати 10 суткада мос равишда $76,2 \pm 2,5\%$ дан $52,6 \pm 3,4\%$ га; $83,5 \pm 4,4\%$ дан $62,5 \pm 2,7\%$ га; $75,6 \pm 3,4\%$ дан $58,2 \pm 2,5\%$ га ва $79,5 \pm 2,4\%$ дан $64,7 \pm 3,4\%$ га камайиши аниқланди. Навбатдаги 30-60 суткаларда баргдаги сув миқдори назоратга яқинлашиши ва танланган анор навларида бу кўрсаткич қиймати 10 суткада мос равишда $65,5 \pm 3,5$; $75,4 \pm 2,6$; $72,8 \pm 5,6$ ва $73,5 \pm 3,5\%$ га ортиши аниқланди (2Б-расм).



2-расм. «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччиқ дона» маҳаллий анор навлари кўчат баргларидаги (назорат А) ва *in vitro* шароитида ўстирилган кўчатлар баргларида (Б) сув миқдорининг вақт интервали диапазонида ўзгариш динамикаси (* – назоратга нисбатан $p < 0,05$, ** – $p < 0,01$; $n = 3-4$).

In vitro шароитида ўстирилган анор кўчатларини тупроққа кўчириб ўтказишда фотосинтетик пигментлар миқдорининг ўзгариш динамикаси. Тажрибамизда «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччиқ дона» анор навлари баргидаги хлорофилл *a* ва *b*, умумий хлорофилл *a* ва *b* хлорофиллнинг нисбатлари таҳлил қилинди. Олинган натижаларга кўра, «Қора қайим» ва «Қизил анор» навларидаги хлорофилл *a* нинг миқдори назоратда $0,86 \pm 0,02$ ва $0,74 \pm 0,03$ мг/г ва хлорофилл *b* миқдори эса $0,83 \pm 0,01$ ва $0,72 \pm 0,01$ мг/г ни ташкил этиши аниқланди. *In vitro* шароитида тажриба сифатида олинган «Қора қайим» ва «Қизил анор» навларидаги хлорофилл *a* ва *b* нинг миқдори назоратга нисбатан камайиб, мос равишда (хлорофилл *a* учун) $0,54 \pm 0,02$ ва $0,47 \pm 0,01$ мг/г ва (хлорофилл *b* учун) $0,43 \pm 0,02$ ва $0,34 \pm 0,03$ мг/г ни ташкил этиши аниқланди (3-жадвал). «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччиқ дона» анор навлари баргидаги хлорофилл *a* ва *b* нинг миқдори назоратга мос равишда, умумий хлорофилл *a* $0,74 \pm 0,02$ ва $0,87 \pm 0,03$ мг/г ни ҳамда хлорофилл *b* нинг миқдори $0,69 \pm 0,03$ ва $0,75 \pm 0,01$ мг/г ни ташкил этганлиги аниқланди. *In vitro* шароитида тажриба сифатида олинган «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччиқ дона» анор навлари баргидаги хлорофилл *a* ва *b* нинг миқдори назорат кўрсаткичларига нисбатан бироз камайиб, хлорофилл *a* $0,63 \pm 0,02$ ва $0,75 \pm 0,03$ мг/г ни ва хлорофилл *b* эса $0,55 \pm 0,03$ ва $0,41 \pm 0,02$ мг/г ни ташкил этганлиги аниқланди (3-жадвал).

«Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччик дона» анор навлари баргида хлорофилл *a* ва *b* концентрацияси ($M \pm m$)

Тажриба вариантлари (Анор навлари)		Хлорофилл <i>a</i> (мг/г)	Хлорофилл <i>b</i> (мг/г)	Умумий хлорофиллар (хл. <i>a</i> +хл. <i>b</i>) (мг/г)	$\frac{Хл. a}{Хл. b}$
Назорат	«Қора қайим»	0,86±0,02	0,74±0,03	1,6±0,04	1,16±0,05
	«Қизил анор»	0,83±0,01	0,72±0,01	1,55±0,06	1,15±0,04
	«Оқ дона (Туятиш)»	0,74±0,02	0,69±0,03	1,43±0,05	1,07±0,05
	«Аччик дона»	0,87±0,03	0,75±0,01	1,56±0,04	1,16±0,04
Тажриба	«Қора қайим»	0,54±0,02**	0,43±0,02**	0,97±0,02	1,26±0,02
	«Қизил анор»	0,47±0,01*	0,34±0,03**	0,81±0,02	1,38±0,03
	«Оқ дона (Туятиш)»	0,63±0,02*	0,55±0,03*	1,18±0,02	1,15±0,02
	«Аччик дона»	0,75±0,03*	0,41±0,02**	1,16±0,03	1,83±0,02

Изоҳ: * – назоратга нисбатан $p < 0,05$, ** – $p < 0,01$ ($n=3-4$).

Бунда «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччик дона» анор навлари баргида (назорат гуруҳи) хлорофилл *a* ва *b* умумий хлорофиллар (*a+b*) миқдори мос равишда, 1,6±0,04; 1,55±0,06; 1,43±0,05 ва 1,56±0,04 мг/г ни ташкил этиши қайд қилинди.

Диссертациянинг «**Айрим маҳаллий анор (*Punica granatum L*) навларининг биокимёвий, фармакологик хусусиятлари**» деб номланган бешинчи бобида анор меваси ва пўстининг этанолли экстрактини тайёрлаш, витаминлар миқдори, шунингдек, анор меваси ва пўсти экстрактининг *in vitro* тажриба ҳайвонларида митохондрия функционал кўрсаткичларига ҳамда ичак силлик мускуллари қисқаришига таъсири келтирилган.

Анор меваси ва пўстининг этанолли экстрактини тайёрлаш. Дастлаб таҳлил қилинган анор навларининг пўсти ва меваси ажратилди ҳамда стерил шароитда механик услубда майдаланди. Майдаланган намуналар оғирлиги (5-10 г) тарозида («CAS_CUW220H»; Хитой; аниқлик даражаси 0,01 г) аниқланиб, колбага ($V=300$ мл) солинди, устига 50 мл миқдорда этанол эритмаси (70% ли) қуйилди. Колба магнитли тебратгичда 60 мин. +110°C ҳарорат шароитида сақланди. Навбатдаги босқичда аралашма 25 мл этанол эритмасида (70%) 2 марта экстракция қилинди. Фильтрат 100 мл этанолда (40% ли) эритилди сўнг 7000 айланиш минут тезликда 10 мин. давомида центрифугаланди. Чўкма олиб ташланди ва ҳосил бўлган эритма анор экстракти сифатида навбатдаги кимёвий таҳлил жараёнида фойдаланилди.

Биз танлаб олган анор навлари меваси ва пўсти таркибидаги витаминлар миқдорини таҳлил қилганимизда қуйидаги натижалар олинди. Масалан, А витамини энг кўп «Қора қайим» меваси таркибида (0,164 мг/100 мл) бўлиши ва энг кам миқдорда «Қизил анор» меваси (0,04 мг/100 мл) пўстидан тайёрланган экстракт таркибида мавжудлиги аниқланди. В₁ витамини «Қизил анор» меваси экстракти таркибида (0,084 мг/100 мл), энг кам миқдорда эса

унинг пўстида (0,032 мг/100 мл) бўлиши аниқланди. Энг кўп В₂ витамини «Қора қайим»да, В₅ «Қизил анор» мевасида, В₆ «Қора қайим» мевасида, С витамини «Аччиқ дона» мевасида, Е витамини «Қизил анор» мевасида экстракти таркибида кўп эканлиги аниқланди. Анор меваси ва пўстидан тайёрланган экстракт таркибида энг кам учрайдиган В₂ витамини «Оқ дона (Туятиш)» пўстида (0,024 мг/100 мл), В₅ витамини «Аччиқ дона» меваси пўстида (0,23 мг/100 мл), В₆ витамини «Аччиқ дона» пўсти таркибида (0,025 мг/100 мл), С витамини «Оқ дона (Туятиш)» пўстида (4,805 мг/100 мл) ва Е витамини эса «Қизил анор» пўсти экстракти (0,014 мг/100 мл) таркибида бўлиши аниқланди. Демак, танлаб олинган анор навларининг меваси таркибидаги А, В гуруҳи, С ва Е витаминлари уларнинг пўстидаги экстрактга нисбатан миқдор жиҳатдан юқори бўлиши аниқланди.

Олинган натижаларга кўра, анор навлари меваси ва пўсти таркибидаги макроэлементлардан К элементи энг кўп миқдори «Аччиқ дона» меваси экстракти таркибида (26,46 мг/100 мл), энг кам миқдори эса «Қизил анор» пўстлоғи экстракти таркибида (0,43 мг/100 мл), Са элементи «Қизил анор» меваси экстракти таркибида энг кўп (11,34 мг/100 мл) ва унинг пўстлоғида энг кам миқдорда (0,35 мг/100 мл) бўлиши аниқланди (4-жадвал). Mg элементи «Аччиқ дона» меваси экстракти таркибида энг кўп (13,25 мг/100 мл), энг кам миқдорда эса «Қора қайим» пўстлоғи экстракти таркибида (0,11 мг/100 мл), Na элементи энг кўп «Аччиқ дона» меваси экстракти таркибида (6,67 мг/100 мл), энг кам миқдори эса «Қора қайим» пўстлоғи экстракти таркибида (0,34 мг/100 мл) ва P элементи энг кўп «Аччиқ дона» меваси экстракти таркибида (36,35 мг/100 мл) ҳамда энг кам миқдори «Оқ дона (Туятиш)» пўстлоғи экстракти таркибида (0,28 мг/100 мл) макроэлементлар бўлиши аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Анор навлари меваси ва пўсти таркибидаги макроэлементлар миқдори (мг/100 мл)


№	Анор навлари		Макроэлементлар				
			К	Са	Mg	Na	P
1	«Қора қайим»	Пўстлоғи	0,78	0,44	0,11	0,34	0,34
		Меваси	226,13	8,46	12,18	3,24	32,30
2	«Қизил анор»	Пўстлоғи	0,43	0,35	0,19	0,56	0,43
		Меваси	198,64	11,34	11,38	5,98	29,32
3	«Оқ дона (Туятиш)»	Пўстлоғи	0,54	0,52	0,78	0,82	0,28
		Меваси	213,54	9,13	11,23	4,26	35,27
4	«Аччиқ дона»	Пўстлоғи	0,67	0,67	0,23	0,45	0,45
		Меваси	265,46	10,28	13,25	6,67	36,35

Изоҳ: барча ҳолатда $p < 0,05$ ($n=4-5$).

Шунингдек, анор меваси ва пўстидан тайёрланган 70% этанолли экстракт таркибида микроэлементлардан Fe, Mn, Zn, Cu ва Se мавжудлиги аниқланди.

Анор меваси ва пўсти экстрактининг митохондрия мембранаси ўтказувчанлигига таъсири. Сирдарё вилояти ҳудудида экиладиган айрим

маҳаллий анор навлари меваси ва пўсти экстрактининг *in vitro* шароитида каламуш жигаридан ажратиб олинган митохондрияда *mPTP* функционал фаоллигига таъсири ўрганилди. Инкубация муҳитида Ca^{2+} ионларини мавжуд шароитда *mPTP* ўтказувчанлик даражаси ортиши ҳисобига митохондрия суспензиясининг бўкиши амалга ошади. Бунда Ca^{2+} ионлари (50 мкМ) таъсирида бўкиш даражаси назорат гуруҳи сифатида белгиланди (100%) (3А, Б-расм). Ушбу шароитда танлаб олинган анор меваси ва пўсти экстрактлари концентрацияга боғлиқ (20-100 мкг/мл) *mPTP* ўтказувчанлик даражасини сусайтириши аниқланди. Жумладан, «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)», «Аччиқ дона» анор навларининг меваси экстрактлари 100 мкг/мл концентрацияда Ca^{2+} (50 мкМ) таъсирида митохондрия бўкиш қийматини назоратга нисбатан мос равишда $64,3 \pm 4,8$; $78,5 \pm 6,4$; $74,2 \pm 5,3$ ва $85,6 \pm 4,5\%$ га камайтириши аниқланди (3А-расм).




3-расм. Каламуш жигар митохондрияси Ca^{2+} -мегаканалига «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)», «Аччиқ дона» анор навлари меваси экстрактларининг концентрацияга боғлиқ 20-100 мкг/мл (А) ва уларнинг пўстидан ажратиб олинган экстрактларнинг 100 мкг/мл (Б) таъсири (* – назоратга нисбатан $p < 0,05$, ** – $p < 0,01$; $n = 4$).

Демак, каламуш жигар митохондрияси бўкишига танлаб олинган анор навларининг мевасидан ажратиб олинган 70% ли этанолли экстрактнинг 100 мкг/мл концентрацияси самарали ингибирловчи таъсир этганлиги аниқланди. Ушбу танлаб олинган навларнинг барчаси митохондрия мембранаси ўтказувчанлигига ингибирловчи таъсири мавжуд эканлиги, аммо «Аччиқ дона» мевасидан олинган экстрактнинг 100 мкг/мл концентрацияси бошқа навларга қараганда самарали бўлганлиги аниқланди.

Анор меваси ва пўсти экстрактининг митохондрия мембранаси липидлари пероксидланишига таъсири. Тадқиқотларда Fe^{2+} /аскорбат инкубацияси орқали индукцияланган липидларнинг пероксидли оксидланиши (ЛПО) шароитидаги оптик зичлик қиймати назорат гуруҳи сифатида белгиланди (100%). Маҳаллий анор навлари («Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)», «Аччиқ дона») меваси ва пўсти экстрактлари концентрацияга боғлиқ (20-100 мкг/мл) ЛПО қийматини сусайтириши


аниқланди (4А, Б-расм). Жумладан, «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)», «Аччиқ дона» анор навлари мевасининг экстрактлари 100 мкг/мл концентрацияда ЛПО қийматини назоратга нисбатан мос равишда $86,5 \pm 4,5$; $75,4 \pm 6,2\%$; $46,4 \pm 3,6$ ва $60,6 \pm 5,4\%$ га сусайтириши аниқланди (4А-расм). Шунингдек, «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччиқ дона» анор навларининг пўсти экстрактлари (100 мкг/мл) ЛПО қийматини назоратга нисбатан мос равишда $69,2 \pm 3,5$; $64,6 \pm 4,5\%$; $53,8 \pm 4,7$ ва $46,2 \pm 5,5\%$ га сусайтириши аниқланди (4Б-расм).



4-расм. Каламуш жигар митохондрияси суспензиясида Fe^{2+} /аскорбат таъсирида юзага келтирилган ЛПО интенсивлигига «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)», «Аччиқ дона» анор навларининг мева (А) ва пўсти (Б) экстрактларининг (100 мкг/мл) таъсири (* – назоратга нисбатан $p < 0,05$, ** – $p < 0,01$; $n=3-5$).


Демак, танлаб олинган анор навларининг меваси ва пўстидан ажратиб олинган экстрактларнинг каламуш жигар митохондриясининг Fe^{2+} /аскорбат ёрдамида чақирилган ЛПО интенсивлигига ингибирловчи таъсир этганлиги аниқланди. Бунда энг самарали таъсир «Қора қайим» навининг меваси ва пўстидан ажратиб олинган экстрактнинг 100 мкг/мл концентрацияси эканлиги аниқланди. Танлаб олинган маҳаллий анор навлари меваси ва пўсти экстрактларининг антиоксидант фаоллигига янада ишонч ҳосил қилиш учун навбатдаги тажрибаларни олиб бордик.

Анор меваси ва пўсти экстрактининг *in vitro* таъсири ҳайвонларида ичак силлиқ мускулларига спазмолитик таъсири. Таъсирида танлаб олинган маҳаллий анор навлари «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччиқ дона» анор навлари пўсти экстрактининг *in vitro* шароитида денгиз чўчқаси ичаги силлиқ мускулларининг перистальтик функционал фаоллигига таъсири ўрганилди (5-расм).



5-расм. «Қизил анор» нави мева пўсти экстрактининг (75 мг/мл) денгиз чўққаси ичаги силлиқ мускулининг перистальтик қисқариш фаоллигига спазмолитик таъсири (оригинал эксперимент). Стрелка билан экстракт инкубация муҳитига қўшилган вақт кўрсатилган.

Тажрибаларда танланган анор навлари пўстининг экстракти 75 мг/мл концентрацияда денгиз чўққаси ичагининг изометрик шароитдаги перистальтик қисқариш фаоллиги амплитудаси қийматини назоратга нисбатан мос равишда $81,7 \pm 4,5\%$; $70,2 \pm 3,8\%$; $63,7 \pm 5,4\%$ ва $57,3 \pm 4,7\%$ га камайтириши аниқланди (6А-расм).




6-расм. «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччиқ дона» анор навлари пўсти экстрактининг концентрацияга боғлиқ (5-75 денгиз чўққаси ичагининг изометрик шароитдаги перистальтик қисқаришига релаксат (А) ва КСl (60 мМ) таъсирида юзага келтирилган қисқариш фаоллигига спазмолитик таъсири ($t=+36 \pm 0,5^\circ\text{C}$; * – назоратга нисбатан $p < 0,05$, ** – $p < 0,01$; $n=3-5$).

Тажрибаларнинг навбатдаги босқичида анор навлари мева пўсти экстрактининг спазмолитик таъсир механизмига аниқлик киритиш мақсадида, уларнинг денгиз чўққаси ичаги силлиқ мускулида КСl (60 мМ) таъсирида юзага келтирилган қисқариш фаоллигига таъсири ўрганилди. Ичак препаратининг перистальтик функционал фаоллиги барқарор ҳолатга

келганидан кейин (45-60 минут), инкубация муҳитига KCl (60 мМ) қўшилди ва препарат қисқариши максимал қийматга кўтарилиши 100% (назорат) қийматида белгиланди. Тажрибаларда «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччиқ дона» анор навлари пўстининг экстракти 75 мг/мл концентрацияда денгиз чўчқаси ичагининг изометрик шароитдаги перистальтик қисқариш фаоллиги амплитудаси қийматини назоратга нисбатан мос равишда $76,4 \pm 5,3\%$; $75,8 \pm 4,4\%$; $64,3 \pm 4,2\%$ ва $66,2 \pm 3,8\%$ га камайтириши аниқланди (6Б-расм).

Анор навларининг мева пўстидан ажратиб олинган экстрактнинг ичак девори силлиқ мускул ҳужайраларида потенциалга боғлиқ Ca^{2+} -каналларига таъсири. Инкубация муҳитига KCl (60 мМ) қўшилган ҳолатда $[K^+]_{out}$ ортиши таъсирида ичак девори силлиқ мускул ҳужайралари сарколеммаси деполяризацияланади ва сарколеммада жойлашган потенциалга боғлиқ фаоллашувчи Ca^{2+} -каналлари орқали ҳужайрага Ca^{2+} ионларининг кириши кучаяди, ўз навбатида $[Ca^{2+}]_{in}$ миқдори ортиши ва саркоплазматик ретикулум мембранасида жойлашган IP_3 -инозитол трифосфат рецептори фаол ҳолатга ўтиши, саркоплазматик ретикулумдан Ca^{2+} чиқиши кучайиши ҳисобига қисқариш аппарати активацияси орқали ичак мускул препаратининг қисқариш кучи максимал қийматга ортиши қайд қилинади (7-расм).



7-расм. «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччиқ дона» анор навлари пўсти экстрактининг (5-75 мг/мл) инкубация муҳитида Ca^{2+} -каналлари специфик блокатори верапамил (0,01 мкМ) мавжуд шароитда денгиз чўчқаси ичагининг KCl (80 мМ) таъсирида юзага келтирилган қисқариш фаоллиги релаксант таъсири ($t=+36 \pm 0,5^\circ C$; * – назоратга нисбатан $p < 0,05$, ** – $p < 0,01$; $n=3-4$).

Инкубация муҳитида Ca^{2+} -каналларининг специфик блокатори верапамил (0,01 мкМ) мавжуд шароитда «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччиқ дона» анор навлари пўсти экстрактининг (5-75 мг/мл) спазмолитик таъсири логарифмик эгри чизиғи параллел ҳолатда чап томонга силжиши қайд қилинди.

Олинган натижалар танлаб олинган маҳаллий анор навлари мева пўсти экстрактининг (5-75 мг/мл) денгиз чўчқаси ичаги силлиқ мускулида

KCl (60 мМ) таъсирида юзага келтирилган қисқариш фаоллигига спазмолитик таъсири ичак девори мускул ҳужайраларида Ca²⁺-каналлари фаоллигини сусайтирувчи таъсир кўрсатиши орқали амалга ошишини тасдиқлайди. Олинган тажриба натижалари анор пўстидан диареяга қарши фармакологик дори воситаларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш имкониятлари юқорилигини тасдиқлайди.

Озиқ-овқат саноатида кўп миқдорда иккиламчи чиқинди сифатида ҳосил бўлган анор пўстидан фармацевтика саноати хомашёси сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Маҳаллий «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччиқ дона» анор (*Punica granatum* L.) навларини биотехнологик (*in vitro*) кўпайтиришнинг оптимал шароити озуқа муҳитида фитогормонларнинг максимал стимуляцион концентрацияси нисбатлари билан изоҳланади.

2. Анор меристема тўқимаси эксплантасида *in vitro* шароитида ризогенез-органогенез жараёнлари интенсивлиги юқори бўлиши учун Мурасиге-Скуга озуқа муҳитининг энг мақбул таркиби тавсия этилди.

3. *In vitro* шароитида ўстирилган анор кўчатлари барги юзасининг солиштира зичлиги (г/дм²) дастлабки суткада (1 сутка) назоратга нисбатан табиий тупроқ шароитига мослашишнинг бошланғич даврида статистик ишонарли даражада паст бўлади ва баргларида хлорофилл (*a*, *b*), β-каротиноидлар концентрациясининг ўзгариш динамикаси юзага келади.

4. Сирдарё вилояти шароитида экиладиган маҳаллий «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччиқ дона» анор навларининг меваси, пўсти таркибида витаминлар (А, В, С, Е), макро- (К, Са, Мг, Na, Р) ҳамда микроэлементлар (Fe, Mn, Zn, Cu, Se) мавжуд эканлиги қайд этилди.

5. Маҳаллий «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)», «Аччиқ дона» анор навларининг меваси ва пўсти экстрактлари (100 мкг/мл) таъсирида *in vitro* шароитида каламуш жигар митохондрияси суспензиясида бўкиш кўрсаткичини сусайтириши, Ca²⁺ га боғлиқ мегаканал (*mPTP*) ўтказувчанлигини ингибирланиши юзага келади.

6. Анор меваси ва пўсти экстрактлари Fe²⁺/аскорбат инкубацияси таъсирида митохондрия мембранаси липидлари пероксидланиши интенсивлигини сусайтириши уларнинг пероксидланиш маҳсулоти МДА миқдорини камайтириши асосида антиоксидант таъсир кўрсатиши билан изоҳланади.

7. Маҳаллий «Қора қайим», «Қизил анор», «Оқ дона (Туятиш)» ва «Аччиқ дона» анор навлари меваси ва пўсти экстрактининг (5-75 мг/мл) тажриба ҳайвонлари ичаги силлиқ мускулида KCl (60 мМ) таъсирида юзага келтирилган қисқариш фаоллигига спазмолитик таъсири мускул ҳужайраларида Ca²⁺-каналлари блокадаси билан боғлиқлиги кўрсатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.72.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЭРГАШЕВА ФАРОГАТ ШЕРАЛИЕВНА

**ФИЗИОЛОГО-БИОХИМИЧЕСКИЕ, ФАРМАКОЛОГИЧЕСКИЕ
СВОЙСТВА МЕСТНЫХ СОРТОВ ГРАНАТА (*Punica granatum* L.)
И ПЕРСПЕКТИВЫ ИХ МИКРОКЛОНИРОВАНИЯ**

03.00.07-Физиология и биохимия растений

03.00.08-Физиология человека и животных

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.3.PhD/B368.

Диссертация выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.buxdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Кушнев Хабибжон Хожибобоевич доктор биологических наук, профессор
	Хушматов Шунқор Сыздуллаевич доктор биологических наук
Официальные оппоненты:	Матчанов Азат Таубалдиевич доктор биологических наук, профессор
	Курбанбаев Илхам Джуманазарович доктор биологических наук
Ведущая организация:	Ташкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «12» июня 2020 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.72.02. по присуждению ученой степени доктора философии при Бухарском государственном университете по адресу: 200117, г.Бухара, ул. М.Икбол 11, БухДУ. Тел.: (+99865) 221-29-14, факс: (+99865) 221-26-12, e-mail: bsu_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрировано под № 3). Адрес: 200117, г.Бухара, ул. М.Икбол 11, БухДУ. Тел.: (+99865) 221-29-14, факс: (+99865) 221-26-12, e-mail: bsu_info@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан: «29» мая 2020 г.
(реестр протокола рассылки № «3» от 29 мая 2020 г.)


А.Э.Холдиев
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., доцент


Н.Э.Рашидов
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых
степеней, к.б.н., доцент


С.Б.Бакоев
Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире удовлетворение возрастающих потребностей населения в продовольственных продуктах является актуальной задачей. В этой связи эффективное использование посевных площадей при возделывании продуктов сельскохозяйственных культур имеет важное стратегическое значение. Из-за засоленности и деградации почв посевных площадей отбор и возделывание растений, имеющих социально-экономическое значение, является одной из актуальных задач науки и производства. В этой связи, микроклональное размножение сортов граната в условиях *in vitro*, получение безпатогенных саженцев, а также производство фармакологических лекарственных веществ из экстрактов их плодов и кожуры имеет важное значение.

В настоящее время во многих больших исследовательских центрах мира, вместе с повышением плодородия сельскохозяйственных культур, уделяется большое внимание возделыванию граната. Экстракт кожуры граната, являющегося вторичным отходом пищевой промышленности, в будущем рекомендуется использовать в сфере теоретической и практической фармакологии для производства антиоксидантных и спазмолитических фармакологических препаратов. Отбор сортов граната, приспособленных к экологическо-климатическим условиям, его пищевая ценность, физиологические активные вещества в составе кожуры, а также широкое использование его элементов в фармакологии повышает интерес к этому растению. Поэтому, микроклональное размножение местных сортов граната в условиях *in vitro*, создание экономически эффективных лекарственных веществ из плодов и кожуры граната имеет важное актуальное значение.

В нашей республике на сегодняшний день уделяется большое внимание внедрению в практику научных и инновационных достижений при создании экологически безопасных растительных продуктов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ определены следующие задачи «Поощрение научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения в практику научных и инновационных достижений», и в 4-м направлении определены важные задачи «по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, усовершенствование обеспечения населения и медицинских учреждений дешёвыми, качественными лекарственными средствами и медицинскими предметами»¹. В этой связи, увеличение местных сортов граната и определение механизмов фармакологического действия биологически активных веществ выделенных из них имеет важное значение.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» за от 7 февраля 2017 года, в пункте 3.3 Постановления Президента № ПП-4239 «О мерах по развитию сельскохозяйственной кооперации в плодоовощной отрасли» от 14 марта 2019 года, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетам направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. В мировом масштабе научно-исследовательские работы по созданию сортов граната (*Punica granatum* L.) в различных климатических условиях и зонах с помощью биотехнологических методов, в частности, получение безпатогенных саженцев в условиях *in vitro* проводились следующими учёными: Murkute и др. (2004), Singh и Khawale (2006), Chaugule и др. (2007), Samir и др. (2009), Singh и др. (2001).

В странах СНГ сведения по интродукции и изучению изменчивости корневой системы сортов граната *Punica granatum* L. (*Punicaceae*) при различных почвенных условиях отражались в исследованиях Шарипова (2015), Мустафаева (1992), Раджабова и Горбунова (1997), Гутиева (1998), Мамедова (2007), сведения о динамике изменений некоторых физиологических показателей граната в период вегетации и фазах развития в условиях Средней Азии в исследованиях Бобоева (2014), сведения о пищевом и хозяйственном значении в работах Омарова (2000), Коблякова (1998), Абдулкадирова (2008), Загирова (2008), про происхождению и биоэкологическим свойствам - в исследованиях Мамедова (2007), Загирова, Аммайгаджиева, Казбекова (2004).

